

## **“Кичик бизнес ва тадбиркорлик” фанидан тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.
2. Ходжаев Р.С., А.Эгамбердиев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. ТМИ. Ўқув қўланма. Т.: “IQTISOD - MOLIYA”, 2008.
3. Самадов А.Н., Останақулова Г.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. - Т.: Молия-иқтисод, 2008.
4. M.R.Boltabaev, M.S.Qosimova Kichik biznes va tadbirkorlik. – Т.: NOSHIR, 2011.
5. Интернет сайtlари: [www.gov.uz](http://www.gov.uz) , [www.stat.uz](http://www.stat.uz), [www.iza.uz](http://www.iza.uz),  
<http://www.unece.org/sme/cjfrm01.htm>, <http://tfi.uz>,  
<http://www.iza.uz/business>, [busec@tfi.uz](mailto:busec@tfi.uz)

## **1-мавзу: Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти, турлари ва шакллари**

**Режа:**

- 1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари,  
уларнинг моҳияти ва мазмуни.**
- 2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг  
иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асослари.**
- 3. Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик  
фаолиятини ривожлантириш йўналишлари.**

## **1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари, уларнинг моҳияти ва мазмуни**

“Бизнес” сўзи инглизча сўздан олинган бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда кишиларни фойда олишга қаратилган фаолиятидир.

Америкалик иқтисодчи Ж.Б.Кларк (1847-1938) Ж.Б.Сейнинг «учлик формуласига» бир оз ўзгартириш киритди. Унинг фикрича, ишлаб чиқаришда доим тўрт омил иштирок этади: капитал; ишлаб чиқариш воситалари ва ер; ишчининг меҳнати, тадбиркорлик фаолияти.

«Тадбиркорлик» тушунчаси тадбиркорнинг энциклопедик луғатида қуидагича таърифланади:

**Тадбиркорлик** – (ингл. enterprise) шахсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқароларнинг мустакил фаолияти. Бу фаолият ўз номидан, ўз мулкий масъулияти ва юридик шахснинг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади.

Тадбиркор (фрн. ентрпренеур) қонун томонидан тақиқланмаган барча хўжалик фаолияти, шу жумладан, воситачилик, сотиш, сотиб олиш, маслаҳат бериш, қимматбаҳо қофозлар билан иш олиб бориш билан шуғулланиши мумкин.

Тадбиркорликнинг муҳим хусусиятларига қуидагилар киради:

- хўжалик фаолияти олиб бораётган субъектларнинг мустақиллиги ва эркинлиги. Ҳуқуқий меъёрлар чегарасида ҳар бир тадбиркор у ёки бу масала юзасидан мустақил қарор қабул қилиши мумкин;
- иқтисодий манфаатлилик. Тадбиркорликнинг асосий мақсади максимал даражада даромад олишни кўзлаб, жамият тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшишdir;
- хўжалик таваккалчилиги ва масъулият. Ҳар қандай ҳисоб-китобда ҳам ноаниқлик ва таваккалчилик бўлиши мумкин.

Тадбиркорнинг ишга доир сифатлари қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

1. Бозорнинг товарлар ва хизматлар билан таъминланиш даражасини таҳлил қилиш йўли билан иқтисодий хўжалик тизимида ўз ўрнини топиши.
2. Шахсий ишлаб чиқариш тузилмасини яратишга тайёрлик қобилияти.
3. Маркетинг тадқиқотлари натижаларидан келиб чиқсан ҳолда, дастлабки тадбиркорлик ҳисоб-китобларини амалга ошириши.
4. Тадбиркорлик лойиҳасини амалга оширишда раҳбарликни тўғри йўлга қуиши қобилияти.
5. Янги техник, технологик ғояни биринчи бўлиб хаётга тадбик этиш ҳамда ушбу ғоядан амалда фойдаланиш, ундан қандай якуний натижа, маҳсулот ёки хизматлар олиш мумкинлигини тасаввур қила олиши.

## **2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва хуқуқий асослари**

Тадбиркорликни шакллантириш  
учун шароитлар яратилиши  
керак

Иқтисодий

Ижтимоий

Хуқуқий

## Иқтисодий шароитлар

- харидор сотиб олиши учун товар турларининг мавжудлиги
- харидор сотиб олиши учун керак бўлган пул ҳажмининг мавжудлиги
- ишчиларнинг маошига, яъни сотиб олиш имкониятига таъсир кўрсатувчи ишчи жойларининг, ишчи кучларининг ортиқчалиги ёки этишмовчилиги
- молия хизматини кўрсатувчи банклар
- хом-ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи, энергия, машина ва ускуналар, инструментлар билан таъминловчилар
- товарни харидорга етказувчи улгуржи ва чакана савдогарлар
- касбий, юридик бухгалтерия хизматларини, воситачилик хизматини кўрсатувчи фирма ва корхоналар
- ишчилар кучини ёллашда ёрдам берувчи ишга жойлаш агентликлари
- ишчи ва мутахассис хизматчиларни тайёрлаётган ўкув юртлари
- реклама, транспорт, сугурта агентликлари
- товарга бўлган таклиф ва талаб

## Ижтимоий шароитлар

- харидорларнинг диди ва модага жавоб берга оладиган товарларни сотиб олишга интилиши
- ижтимои-маданий муҳитга боғлиқ бўлган аҳлоқий ва диний меъёрлар
- шахснинг ишга бўлган муносабати, бизнес таклиф этаётган маошнинг миқдорига, меҳнат шароитига бўлган муносабати
- ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш

## Хуқуқий шароитлар

- тадбиркорлик фаолиятини тартибга келтирувчи фармонлар ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратиб берувчи қонунларнинг мавжудлиги
- корхоналарни рўйхатдан ўтиш жараёнининг қисқа ва оддий бўлиши
- тадбиркорликни давлат бюрократизмидан ҳимоя қилиш солик қонунчилигини такомиллаштириш
- Ўзбекистон ва чет эл ишбилармонларининг ҳамкорлик фаолиятини ривожлантириш

Тадбиркорлик муҳити асосан қуидаги тўртта омил: ҳукуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғликлиги натижасида амалга оширилади.

Ҳукуқий омил – тадбиркорлик фаолиятини юритиш йўлидаги барча қонунлар (солик, ер, меҳнат муносабатлари) ва йўрикномалар мажмуи бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солади ҳамда тадбиркорнинг иқтисодий жараёндаги бошқа субъектлар билан муносабатини мужассамлантиради.

Сиёсий омил тадбиркорлик жараёнида бўлаётган барча ҳодисаларга давлатнинг муносабатини ва уларга давлатнинг таъсирини белгилаб беради.

Ижтимоий омил жамиятда мафкуранинг ҳолати, миллий урф-одатлар, миллатнинг маданий ва майший одатлари, атрофдаги кишиларнинг тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган муносабати, давлатнинг тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган муносабати ҳисобланади.

Иқтисодий омил бозордаги рақобатни ва нарх-наво ҳолатини ўзида акс эттиради. Нарх-наво тизими, ўз навбатида, нархларнинг даражаси, ишлаб чиқариш жараёнига тадбиркор томонидан жалб қилинаётган ишлаб чиқариш омиллари, ишчи кучи, кредит ставкаси миқдори ҳамда солик ва мажбурий тўловларни ўз ичига олади. Бунда бозордаги рақобат шартшароитлари сифат ва миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиб чиқилади.

### **3. Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августда ПФ-3305-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга асосан «ўрта корхоналар» тушунчаси бекор қилинди ва 2004 йил 1 январдан бошлаб қуидагилар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;

- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар.

Куйидаги тармоқларда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони:

- енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатида – 200 кишидан;
- металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш ҳамда мебел саноатида – 100 кишидан;
- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида – 50 кишидан;
- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланниш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида – 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битиравчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4232-сонли Фармонига асосан Микрофирмалар ва кичик корхоналар таълим муассасалари битиравчилари билан меҳнат шартномаларини тузганда, банд бўлган ходимларнинг ўртacha йиллик сони қонунчиликда белгиланган чекланган меъёрдан 20 foизгача ошириш хукуки берилди (3 йилга)



Микрофирмалар:

1. Ишлаб чиқариш тармоғида 20 кишидан 24 кишига;
- 2.Хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишидан 12 кишига;
- 3.Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан 6 кишига.




Кичик корхоналар:

1. Саноат (тармоқлар бўйича) 100 кишидан 120 кишига;
2. Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги товарларини қайта ишлаш соҳасида 50 кишидан 60 кишига;
- 3.Хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишидан 30 кишига.

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик таркибий тузилишининг такомиллашиб бориши

<b>Тармоқлар ва йўналишлар</b>	<b>2013 й.</b>	<b>2014 й.</b>	<b>2015 й.</b>	<b>2015 й.ни 2013 й.га нисбати, %</b>
Ялпи ички маҳсулот	55,8	56,1	56,5	101,2
Саноат	28,1	31,7	40,6	144,5
Қишлоқ хўжалиги	98,0	98,0	98,4	100,4
Инвестициялар	32,7	35,4	35,8	109,5
Қурилиш	71,5	69,5	66,7	93,3
Савдо	86,6	86,3	87,1	100,6
Пуллик хизматлар	46,2	48,6	50,5	109,3
Юк ташиш	47,3	49,8	53,7	113,5
Йўловчи ташиш	84,5	85,5	87,3	103,3
Бандлик	76,7	77,6	77,9	101,6
Экспорт	26,2	27,0	27,8	106,1
Импорт	42,4	45,4	44,5	104,9

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун  
ягона солиқ тўлови ставкаси,  
фоизда**



Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларимиз халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий ифодасини топмокда. Ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки «Бизнес юритиш» рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон факат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади.

«Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» мезони бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий начор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилид ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.